Туман ҳокимлиги муассислигидаги "Қумқўрғон садоси" газетаси

Қумқўрғон садоси

Ватан, эл манфаати муқаддасдир!

Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг нашри

26 Февраль 2021 йил. № 6 (3229)-сон | ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА | Газета 1978 йилдан чиқа бошлаган

Туман ҳокими Р. Гаппаров маҳаллаларда ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммолари, таклифлари ва мурожаатларини тингламоқда. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган тадбирларда уларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалий ишлар давом этаяпти.

Бу галги учрашув Давлатсой ва Навбаҳор маҳаллаларида ўтказилди. Албатта, бундай ёшлар билан учрашувларнинг довруғи ошиб, ўзларининг тадбиркорлик субъектларини очмоқчи бўлган авлоднинг иши бароридан келмоқда. Чунки мурожаатлари туман ҳокими, ҳоким ўринбосарлари ва тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан ижобий ҳал этилаяпти. Бундай қулай имкониятлардан зудлик билан фойдаланиш меҳнат билан банд бўлиш, моддий ва маънавий манфаат топиш учун қулай.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Уюшмаган ёшларга тўғри йўл кўрсатиб уларни ҳалол ишлаб ўзи ва оиласи аъзоларини манфаатдор қилиш, бозор муносабатларига киришиб жамиятни ривожлантиришга ўргатиши зарур. Давлатсой ва Навбаҳор маҳаллаларидаги учрашувлар давомида бир гуруҳ ёшлар ҳокимга ишонч билдириб, ўз таклифларини айтди. Уларнинг мурожаатлари мазмуни ва белгиланган тартиб доирасида жавоблар берилди. Масалалари ижобий ҳал этилганлар хурсанд бўлди.

"ЧИМЁН – 2021" МЕДИА-ФОРУМИ

Журналистлар семинарларда, медиафорумда қатнашса оммавий ахборот воситасида замонавий технологияларнинг жорий этилаётганлигини, сифатли газета нашр қилиш тажрибаларини ўрганади. Ижодий қобилияти, меҳнатга муносабати ривожланади. Журналистлик фаолияти жараёнларида илғор усулларни қўллаб янги ютуқларга эришади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида очиқлик, сўз эркинлиги ва жамият" мавзусидаги анъанавий "Чимён – 2021" медиафоруми шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассамлаштирди.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қумқўрғон туманида қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари учун ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги экинларидан ғалла ва ғўза етиштиришнинг илмий асосланган методларини қўллаб, юқори ҳосил олиш масалаларига эътибор қаратилди.

Семинарда туман ҳокими Р. Гаппаров, Тошкент Давлат Аграр Университети профессор, ўқитувчилари, Илмий-тадқиқот институти ўқитувчилари ва фермер хўжалик раҳбарлари иштирок этишди.

Мутахассислар томонидан соҳага оид янгиликлар ва керакли тавсиялар бериб ўтилди.

"Ҳаракатлар стратегияси" амалга оширилаётган беш йиллик мактабгача таълимни ривожлантиришга эътибор оширилганлиги билан аҳамиятли. Туман ҳокимлиги, бунёдкорлар, тадбиркорлар боғчаларга болалар қамровини кўпайтириш учун янги боғчаларни қуриб, мавжудини таъмирламоқда. 2020 йилда туман мактабгача таълим бўлими тизимида амалга оширилаётган ишларга назар ташласак эришилган натижалар яққол кўринади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ЎРГАТАР БИЛИМ

ҲАМКОРЛАР МУСОБАҚАСИ

"Ватанпарвар" ташкилоти Қумқўрғон туман ўқув спорт техника клуби ташаббуси билан туман "Маҳалла" жамоат фонди ҳамкорликда ватанпарварлик туйғулари ривожланганлигини амалда кўрсатди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакат равнақи кафолати

2021 йил 1 январь кунидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида "бир инстанция-бир суд" тизимининг жорий этилиши ва назорат инстанциясининг тугатилиши муносабати билан 2021 йил 12 январь куни қабул қилинган қонунлар асосида, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур мақолада, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январь кунидаги ЎРҚ-663-сон қонуни билан Иқтисодий процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар хусусида тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Зикр этилган қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг жами 55 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Кодекс 5 та янги модда билан тўлдирилган, бундан ташқари Кодексдаги 13-модда янги таҳрир билан қабул қилиниб, 1 та боб чиқариб ташланган. Кодекснинг 5-боби, яъни иқтисодий ишларнинг судга тааллуқлилигига оид 25-моддаси биринчи қисми 51 ва 52-бандлар билан тўлдирилиб, инвестициявий низолар бўйича ишлар ҳамда рақобатга оид ишлар иқтисодий судга тааллуқли эканлиги белгиланди. Кодекснинг 1-параграфи қуйидаги мазмундаги янги моддалар билан, яъни 301-модда-инвестициявий низолар бўйича ишлар ҳамда 302-модда-рақобатга оид ишлар билан тўлдирилди.

Бунда, инвестициявий низолар сифатида:

1) инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар;

2) инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;

3) инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолар;

4) инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиқ, божхона, ижтимоий, экологик ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар;

5) инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар эканлиги белгилаб қўйилди. Кодекснинг 302-моддасида эса рақобатга оид ишларнинг таърифи келтирилиб, юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига киришлиги белгилаб қўйилди. Эндиликда, инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади. Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар жавобгар жойлашган ердаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тақдим этилиши мумкин. Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар, шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар жавобгар жойлашган ердаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин. Инвестициявий низолар бўйича ишлар, низо келиб чиққан ҳуқуқий муносабат иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар, иқтисодий суд томонидан кўрилиши аниқ ва равшан белгилаб қўйилди. «Инвестициявий низолар бўйича ишлар» «Рақобатга оид ишлар» бўйича низолар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, маъмурий судларнинг судловига ҳам тааллуқлиги белгиланди. Биз бундан маъмурий судларнинг судловига тааллуқлиги бўлган инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар, рақобатга оид ишлар жумласига эса, юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқарув органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар маъмурий судларнинг судловига тааллуқли эканлигини фарқлай олишимиз даркор. Қабул этилган қонуннинг яна бир эътиборга молик томони прокурорларнинг барча суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқини чекловчи норма ва қоидалар асосида Иқтисодий процессуал кодекснинг 49-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Яъни, прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг даъво аризаси билан қўзғатилган ишларда иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас. Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг мазмуни бўйича фикрини баён этади, бундан унинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъво аризаси (аризаси) бўйича қўзғатилган ишлар мустасно. Фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб даъво аризаси (ариза) тақдим этган прокурор даъвогарнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳуқуқи мустасно. Прокурорнинг ўз даъво аризасидан (аризасидан) воз кечиши даъвогарни (аризачини) ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Прокурор томонидан даъвогарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Бизнес омбудсманга ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқи берилди. Бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно ҳисобланади. Кодекснинг апелляция инстанциясида иш юритиш нормаларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича иш юритиш институти тугатилганлиги муносабати билан Кодексдан назорат тартибида иш юритиш қоида ва нормалар чиқариб ташланган. Назорат инстанциясида иш юритиш бекор бўлган бўлсада, кассация тартибида кўрилган иш такроран кўрилиши мумкинлиги белгиланди. Шунингдек, Олий суд раиси кассация шикояти бўйича иқтисодий суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги белгиланди. Иқтисодий процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ишончли ва самарали ҳимоя қилишга, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга ва ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этади.

А.Холмуминов,
Қумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси

С.Кадиров,
Термиз туманлараро иқтисодий судининг судьяси

М.Хидиров,
Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди судья ёрдамчиси

Помидор жигарранг вирус касаллиги!

Бу вирусли касаллик биринчи марта 2015 йилда Иорданияда ва Исроилда қайд этилган. Помидор ва қалампирга асосан зарар келтиради. Вирус Тобамовирус турига мансуб, жуда тез тарқалиш хусусиятига эга. Вирус ўсимлик баргларида мозаикаларни ҳосил қилади, барглар ўз ҳолатини ўзгартиради, мевалар жигарранг, ажинли доғлар, мевалар рангсизланади, барглар деформацияланади. 2015 йилда Иордания иссиқхоналарида экилган помидор майдонларида мавсум давомида ўсимлик баргларида деформациялар ҳосил бўлиб меваларида кучли жигарранг хлороз белгилари пайдо бўлди.

Худди шундай касаллик аломатлари 2014 йилнинг кузида Исроилнинг Охад шаҳрида пайдо бўлган ва бу мамлакатда бир йил ичида тез тарқалиш ҳолати кузатилган. Фаластинда касаллик аломатлари биринчи марта 2018 йилда кузатилган.

Помидор жигарранг вируси касаллиги Исроил ва Иорданиядан бошқа Европа мамлакатларига ҳам тарқала бошлади. Германияда 2018 йилда, 2019 йилда Италия иссиқхоналарида ва экин майдонларида аниқланди. Ёппасига қарши курашиб йўқ қилинди.

Калифорния штатида касаллик 2018 йилнинг куз ойларида аниқланди ва Калифорния озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан йўқ қилинди.

Касаллик аломатлари помидор навига қараб енгил ва оғир бўлиши мумкин. Касалликнинг енгил кўринишида мозаикалар ҳосил бўлади, барглар ранги ўзгаради. Касалликнинг оғир кўринишида эса меваларда жигарранг меваларда жигарранг ажин ва доғлар ҳосил бўлиши баробарида меваларнинг сарғайиб кетиши ҳамда барглар ҳолати ўзгариши мумкин.

Касаллик уруғлар, вирус билан зарарланган асбоблар, кийимлар, механик воситалар ёрдамида тарқалади. Чанглаш вақтида ҳам тарқалиши мумкин. Жигарранг вируси касаллиги чидамли помидор навларида шу кунгача аниқланмаган. ToBRFV вируси помидорга юқори даражада зарар келтириши туфайли помидор етиштирувчи Германия ва бошқа Европа Иттифоқи давлатлари учун катта иқтисодий зарар келтиради.

Қарши кураш чоралари:

Вирус механик воситалар орқали осонлик билан юқиши сабабли ҳар хил сиртларда, узоқ вақт терида, қўлқопда камида 2 соат қаттиқ пластмассада, 3 соат шиша алюминий ва занглаймайдиган пўлатда камида 1 ой сақланади. Ишлатилган барча иш қуроллари спирт ёки формалин билан ювилиши керак. Вирусни йўқ қилиш учун пластик идишлар 90 С иссиқ сувда ивитилади. Вирусли касалликлардан қутилиш бир мунча қийин, шу сабабли бутун вегетация даврида бир неча марта фунгицидлар билан ишлов бериш керак. Ўта касалланган помидор кўчатлари йиғиштирилиб ёқиш йўли билан йўқ қилинади. Помидор ҳосили йиғиштирилгач барча кўчатлар йиғиштирилиб ёқиш йўли билан йўқотилади.

"Ўздавкарантин" инспекцияси 2021 йил 12 февралдан бошлаб Туркия давлатининг Бурса ҳудудидан Ўзбекистон Республикасига помидор ва қаламфир уруғлари экспорти учун вақтинчалик тақиқ жорий этилди. Бунга сабаб Туркиядан келтирилган 85 кг помидор уруғларида «Помидор жигарранг вируси» касаллиги аниқланди. Импорт билан шуғулланувчи тадбиркорлар экиш материаллари, кўчат ҳамда уруғликларни олиб келишда Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини олдиндан хабардор қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Қ. Раҳмонқулов,
Ф. Алимов,
Сурхондарё вилояти ўсимликлар карантини инспекторлари

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўлланган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308-сонли Қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" янги низом асосида амалга оширилмоқда.

Бола парваришлаш нафақаси ва моддий ёрдамни қандай олиш мумкинлиги ҳақида хабардормисиз?

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашни сўраб, ариза билан яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат қилишлари мумкин.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун фуқаро ҳеч қандай маълумотни йиғиши шарт эмас. Фақатгина ариза билан ўзи ва оила аъзоларининг паспорт нусхалари (никоҳ ва туғилганлик тўғрисида гувоҳномалар) тақдим этилади.

Фуқаролар аризани маҳалла фуқаролар йиғинларига беради. Маҳалла фуқаролар йиғинлари аризаларни ойнинг 15 санасигача қабул қилиб, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар уч иш кунида камида бир маротаба, бироқ ариза берилган ойнинг 18-кунидан кечиктирмай ушбу Вақтинчалик низомда кўрсатилган ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда ушбу Вақтинчалик низом билан тасдиқланган оиланинг таркиби ва иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тегишли Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари қабул қилинган аризаларни ойнинг 25 санасигача "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига киритади.

Аризани қаноатлантириш ёки рад этишда Пенсия жамғармаси ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари умуман иштирок этмайди.

2021 йилнинг январ ойида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали республиканинг барча ҳудудларида 3 турдаги (бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам) нафақалар инсон омилисиз тўлиқ тайинлаб келинмоқда. Бу эса, халқимизга хизмат қилишда шаффофлик ва адолатлиликни таъминлаб беради.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадга эга бўлган оилаларга тайинланади.

Болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақалар эса -12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан ортиқ эмас.

Қуйидаги ҳолларда ижтимоий нафақани ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, тегишли ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади:

ариза берувчининг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатда йўқлиги;

ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад белгиланадиган даврда киши бошига тўғри келадиган даромади меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан (1 февралдан бошлаб бу 393,8 минг сўм) ортиқ бўлса;

идоралараро электрон ахборот тизими орқали кадастр ахборот тизимида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулк мавжудлиги;

ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида:

ишлаб чиқарилган муддати 10 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжудлиги;

жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжудлиги;

даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган ва ҳисобда турмаган ёки ҳақи тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги.

Ў. Давлатов,
Туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлим бош ҳуқуқшунос маслаҳатчиси

Нафс қурбони

Ҳар йили август ойининг биринчи ўн беш кунлигида юртимиздаги олий ўқув юртларида тест ва ижодий имтиҳонлар якунланиб, абитуриентлар умумий натижаларни кутишаётган бўлса, академик лицей ва бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тест синовлари бошланади.

Синовлар арафасида таълим муассасаларига абитуриентларни осонгина ўқишга киритиб қўйишни ваъда бериб, фирибгарлик йўлини танлаган фуқаролар ҳам борлиги ғоят ачинарлидир. Хусусан, Шеробод туманидаги "Абу Али Ибн Сино" номидаги Жамоат саломатлиги техникуми психология фани ўқитувчиси Қудрат Ўсаров (исм, фамилиялар ўзгартирилган) Ситорани мазкур техникумнинг фармацевтика йўналишига осонгина ўқишга киритиб қўйишга ваъда беради. Бунинг учун унинг Давлат тест марказида ишловчи юқори мансабдаги танишлари ҳам ёрдам беришини билдиради. Бунинг эвазига эса у 2 млн. сўм пул талаб қилади. Техникум ўқитувчиси фирибгарлик йўли билан талаба бўлмиш Ситорадан Ангор тумани тижорат бозоридаги автомашиналар тўхташ жойида 2 млн. сўм пулни олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганлари шу бўлса керак. Энди у қонун олдида жавоб бермоқда.

Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг ҳукмига асосан Қ.Ўсаров содир этган қилмишида айбдор деб топилиб, унга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Нафс қурбонига айланган ўқитувчи ҳам ишидан айрилиб қолди, ҳам унга судланган деган тамға босилди.

Уддабуронлиги панд берди

Ишга жойлашиш ёхуд зудлик билан ишли бўлишни, албатта, бандлиги таъминланмаган киши жуда хоҳлайди. Бу паллада биронта ҳожатбарор киши йўлиқса, берилган таклифларга чув тушиши ҳам ҳеч гап эмас. Мақоламизда ишончли танишлар орқали ишга киритишни ваъда қилган фуқаронинг ноқонуний хатти-ҳаракати сўз юритилади.

Қўлингдан келса яхшилик қил, келмаса ёмонлик ҳам қилма дейилган ҳадисларда. Яхшилик-ку майли, аммо одамларни чув тушириш орқасидан даромад топишни касб қилиб олаётганларнинг қилмишлари кишини ўйлантириб қўяди. Ахир сизнинг "уддабурон"лигингиз бошқа бир кишининг зарарига ишламоқдаку. Нигора ҳам касби бўйича ҳамшира. Кўп вақтдан бери иш излаб юрибди. Танишларининг бир тадбирида у Азиза билан танишиб қолади. Нигоранинг Азиза билан гапи чиқишиб қолади. Гап орасида ишга чиқмоқчи эканлигини, иш излаб юрганини айтиб қолади. Азиза унга Шеробод туман Тиббиёт бирлашмасида яхши таниши борлигини, унга ёрдам қилишини айтиб Нигорани ишонтиради. Эртаси куни Азиза Нигорага қўнғироқ қилиб, таниши билан гаплашганини, туман тиббиёт бирлашмасида тозалик ҳамшираси вазифаси бўшлиги, шу вазифага уни ишга гаплашганлигини айтади. Албатта, хизмат ҳаққини ҳам гап орасида қистириб ўтади. Аввалига Нигора рози бўлади, кейинчалик бу иш ноқонуний эканлигини ўйлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этади. Шеробод тумани Тиббиёт бирлашмаси навбатчи ҳамшираси Севара таниши Азизадан Нигорани ҳамшира вазифасига ишга киритиш мақсадида 4 млн. сўмни фирибгарлик йўли билан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди ҳар иккала аёлга нисбатан қонуний ҳукм чиқариб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Халқимизда «Обрў мисқоллаб келади, қадоқлаб кетади» деган гап бор. Эл-юрт орасида кишининг обрў-эътибор қозониши осон эмас, уни йўқотиш учун биргина ножўя ҳаракат кифоядир.

У. МАМАТРАИМОВ,
Департаментнинг Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи
Б. АЧИЛДИЕВ,
Департаментнинг Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи

Аҳоли томонидан йўлланган саволларга жавоблар

Аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш муддати қандай белгиланади?

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан йиллик ажратилган газ ҳажми истеъмолчилар кесимида тақсимлаб чиқилади.

Жорий йилнинг I чораги давомида ажратилган суюлтирилган газ режаси ҳисоблаб чиқилганда 1 та истеъмолчига ойлик ўртача 13,8 кг ҳамда аҳоли хонадонига олиб борилаётган 20 кг суюлтирилган газ 45 кунда бир маротаба етказиб берилишига тўғри келмоқда.

Амалдаги қонунлар бўйича тарқатилаётган газ баллонлар ҳар бир аҳолига махсус назорат тарози орқали тортиб берилиши керак эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 август кунидаги 646-сон қарори билан тасдиқланган низомга асосан газ таъминоти бўлими автоуловлари махсус назорат тарозиси билан таъминланиши лозим бўлиб, фақатгина истеъмолчилар томонидан сўралганда (талаб қилинган тақдирда) назорат тарозиси орқали ўлчаб берилади.

Аҳолига сотилаётган суюлтирилган газнинг 1 кг неча сўм?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июль кунидаги 633-сон қарорида 1 кг суюлтирилган газ нархи 1120 сўм белгилаб қўйилган.

Газ баллонларни техник кўрикдан ўтказиш тартиби қандай?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 июнь кунидаги 348-сон қарорида "Газ баллонларини таъмирлаш ва техник кўрикдан ўтказиш тасдиқланган тарифларга мувофиқ истеъмолчи ҳисобидан газ таъминоти ташкилоти томонидан амалга оширилади" деб кўрсатиб ўтилган. Қарорга асосан "Hududgaz Surxondaryo" газ таъминот филиалининг 2020 йил 15 декабрь кунидаги 216-сонли буйруғи иловасида 1 дона маиший газ баллонни таъмирлаш ва синов кўригидан ўтказиш 5 йилда 1 марта ўтказилади, йилига 15 000 сўм, 5 йилга 75 000 сўм этиб белгилаб қўйилган.

"Hududgaz Surxondaryo" газ таъминот филиали матбуот хизмати

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Кумкўрғон агросаноат техникуми зали Ёшлар ишлари агентлиги фаоллари, истеъдодли, касб-ҳунарли ўқитувчи ва ўқувчилар, уларнинг мухлислари курсандчилигига бой бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳамда Сурхондарё вилоят "Қизлар овози" клуби билан ҳамкорликда "Сурхон гўзали" кўрик-танлови ўтказилди.

Ёшлар ишлари агентлиги Кумкўрғон туман бўлимининг "Беш муҳим ташаббус"ни амалга оширишда 5-йўналишга масъул бўлган ходимлари тадбирни белгиланган муддатда ўтказишда ташкилотчилик қилди. Тумандаги ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барча 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизлар кўрик-танловда қатнашишга таклиф қилинди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ИШТИРОКЧИСИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

5, 11, 24, 32, 35, 42, 45, 46, 49, 65-сонли умумий ўрта таълим мактаблари ва 14-сонли Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатидан келган ўқитувчи ва ўқувчилар чеварлиги, истеъдодлилиги, пазандалиги, чиройли гўзаллик яратиш қобилиятларини намойиш қилди. Улар Модалар намойиши, Галстук боғлаш, Эркин мавзу (мусиқий чиқиш) ва қизлар турмаги, Қайнота ва қайнонага чой узатиш, Энг мазали салат шартларини бажарди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир шартни 10 баллик мезон асосида баҳолади. Якуний хулосага кўра, 42-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Ў. Бойтўраева 95 балл тўплаб фахрли биринчи ўринни эгаллади. У вилоят босқичига чиқди. 35-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Х. Сайфуддинова 93 балл жамғариб фахрли иккинчи ўриндан жой олди. 14-сонли Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси М. Турдиева фахрли учинчи ўринни банд этди. Фахрли ўринларни эгаллаган қизлар Ёшлар ишлари агентлиги Кумкўрғон туман бўлимининг фахрий ёрлиқлари тақдирланди.

Туман Марказий маданият марказининг рақс тўгараги аъзолари мусиқалар садолари жўрлигида рақслар ижро этди. Қўшиқчи Исомиддин Маҳамов айтган қўшиқ ва тадбир давомида янграган куйлар ҳам йиғилганларга юқори кайфият бағишлади.

Н. МУҲАММАДИЕВ

АЛКОГОЛИЗМДАН САҚЛАНИНГ

Ҳақиқатан алкоголизм касаллигина бўлиб қолмай, энг ёмон иллатдир. Бошқача таърифлаганда секинлик билан ўлиш, вақтидан илгари қариш, мия қуриши, ихтиёрий жиннилик, маъносиз умр кечириш, тубанлик, баракасизлик ва оғир ички хасталиклар демакдир. Алкоголизм мижоз танламайди. Айтайлик, бошқа касалликлар маълум шароитларда, жисмоний заиф ҳолатларда ривожланиши мумкин. Алкоголизм эса ҳар қандай кучли инсонни ҳам ўз домига тортиб, оғир оқибат ҳалокатга гирифтор этади.

Маълумки, қадим замонларда май, шароб мавжуд бўлиб, ичиш русум ҳисобланган, лекин ҳозиргидек ружу қўйилмаган. Ҳозир оғир асоратлар қолдирмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, ароқ биринчи навбатда мияни қуритади, асабларни вақтинча фалажлаш йўли билан маст қилади. Ароқнинг мижози совуқ ва қуруқ бўлиб, совуқ мижозларга зарари катта. Кучайтирилган виноолар эса доимий ичилганда танани кучсизлантиради. Ароқ буйрак ва сийдик аъзолари, бепуштлик, жинсий ожизлик, юрак ва асаб тизими ҳамда қандли диабет хасталикларининг ривожланишини тезлаштиради. Буйрак ва эркакларнинг простата безм касалликлари бор бемор тузалгандан анча кейин ҳам ароқ ва пиво ичиб турса касаллик, албатта, қайталанади. Устига-устак ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган ароқларда заҳарлилик хусусияти ва зарарли оғир металлар чўкмаси миқдори юқори. Бунинг натижаси уларок кейинги йилларда аҳоли ўртасида юқорида келтирилган хасталиклар кўпаймоқда. Чунки ароқ таркибидаги заҳарли моддалар биринчи навбатда айнан ана шу аъзоларни зарарлайди.

Спиртли ичимликлар таркибидаги зарарли моддалар ичида энг хавфлиси кўрғошиндир. Спиртдаги кўрғошин, аввало, қон таркибини, лимфа тугунларини ва эркак уруғини бузади. Ичувчи шахс буни ўзи сезмайди. Ундан дунёга келадиган болада, яъни кейинги авлодда бунинг салбий таъсири бўлади. Чунки киши озгина ёки ўртача ичимлик ичганда енгил табиатли бўлиб қолади. Алкоголизм травматизмнинг ҳам сабабчисидир. Чунки транспорт бошқарувчилари, муҳим станок ва аппаратлар билан ишлайдиган ишчилар ичганда диққат-эътибори сусайиб, травма олишга сабабчи бўлади. Алкоголга ўрганиб қолмаслик учун спиртли ичимликларни тез-тез бетартиб ичишдан сақланиш керак. Иложи бўлса бутунлай ичмаган маъқул. Бу ўз ўрнида ҳар кимнинг иродасига боғлиқ. Алкоголизмга ўрганиб қолган кишилар учун шифохона ва наркологик диспансерлар мавжуд. Соғлиқни сақлаш тизимининг бу зарур муассасаларида тажрибали психиатр ҳамда наркологик врачлар ишлаяпти. Алкоголизм даволаб бўладиган касалликдир. Кези келганда шуни айтиш керакки, савдо нуқталарида спиртли ичимликлар сотилишини назорат қилиш ва уларни тартиб билан сотиш алкоголизмнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшларни меҳнатдан кейин дам олиш зоналарига, спорт майдончаларига, шахмат-шашка клубларига жалб қилиш, фойдали меҳнат билан шуғулланиш алкоголизмга қарши курашда жуда асқотади. Хулоса қилиб шуни айтамизки, спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш организм учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам зарарли одатдир. Ундан сақланинг!

Абдумалик ИСМОИЛОВ,
Кўп тармоқли марказий поликлиника врач нарколо-ги

СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ВА ОДИЛ СУДЛОВ ЯНГИЛИКЛАРИ

Барчамизнинг хабаримиз бор, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2020 йилнинг 24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сонли Фармони имзоланди. Фармонга биноан вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилинди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиб, туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилди. Фақат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақланиб қолинди.

Судлардаги бир қатор ваколатлар фуқароларни ҳуқуқларини сифатли ҳимоя қилинишини таъминлаш ва сансалорликнинг олдини олиш учун суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқлари ҳам бекор қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК, ФПК ва Маъмурий иш юритиш тўғрисидаги кодексларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш тартиби ва ваколатлари бекор қилиниши назарда тутилган.

Туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъати томонидан апелляция тартибида кўриб чиқиш белгиланди. Апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларидан норози бўлиб қилинган шикоятлар қайта кассация тартибида кўриб чиқиш институти янгидан жорий қилинди. Муқаддам апелляция ёки тартибида кўрилган ишлар тўғридан-тўғри назорат тартибида Олий суд томонидан кўриб чиқиларди, бу билан апелляция тартибида кўрилган ишлар кассация тартибида кўриб чиқилмасдан қоларди.

Бу эса ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлабгина қолмасдан, уларнинг бузилган ҳуқуқларини вақтида тиклаши ҳамда қилинган мурожаатларини ушбу вилоятнинг ўзида кўриб чиқиб ҳал қилиниши бу фуқароларимизнинг сарсонгарчилигининг олдини олишда ҳам катта аҳамият касб этади.

М. Аллаёрова,
Фуқаролик ишлари бўйича Кумкўрғон туманлараро суди судьяси

Д. Худойкулова,
туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

Муҳтарам Президентимиз ҳузурида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб муҳим вазифаларга эътиборимизни жалб қилди. Йиғилишда ўртага қўйилган устувор вазифалар ахборот-кутубхона маркази фаолиятига ҳам тааллуқли. Чунки кутубхона маънавият ва маърифат уйғунлашган, инсонларни қизиқтирган билимларни ўрганишга шарт-шароитлар яратилган маскан.

КУТУБХОНА – МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек, "Китоб – бемминнат устоз, билим ва маънавият юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи". Китобга ошно кишидан ҳеч вақт ёмонлик чиқмайди. Китоб ўқишдан мақсад – унга сингдирилган маъно-мазмунни қалбан ҳис қилиш ва маънавий озуқага эга бўлишдир. Фарзандларимизни китоб ўқишга даъват этишимиз билан бир қаторда уларга келгуси ҳаётда комил ва етук инсон бўлиб вояга етишларида китоб мутолаасининг аҳамияти тўғрисида тушунчаларни ўргатишимиз лозим.

Туманимиз аҳолиси ҳамда ёшларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, уларни турли соҳаларга оид янги адабиётлардан фойдаланишлари учун туман ахборот-кутубхона маркази фаолият юритмоқда. Бунда кутубхонанинг Абонентлар ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими, ахборот-библиография бўлими, ахборот-коммуникациялар технологияси бўлими ҳамда фондни тўлдириш, сақлаш ва уларга ишлов бериш бўлими фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Ахборот-кутубхона маркази бўлим хизмат раҳбарлари З. Анаева, И. Алимназаров, Ш. Жўраева, кўчма кутубхона етакчи мутахассиси М. Хусанова "Маънавият соати" тадбирида фаол қатнашиб, аҳолини кутубхонага жалб қилиш мақсадида маърузалар ўқияпти.

Китобхонларга анъанавий ҳамда онлайн тарзда хизмат кўрсатиляпти. Ижтимоий тармоқларда иккита расмий канал ва битта гуруҳ фаолият юритяпти. Электрон почта, Facebook, Youtube, Instagram, Twitter, Telegram саҳифаларида кутубхона фаолияти, ўтказилаётган тадбирлар ёритилмоқда.

Ахборот-кутубхона маркази 20558 дона китоб фондига эга. Кумкўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 15 декабрдаги 02720133-сонли йиғилиш баённомаси асосида АКМ фондини янада бойитиш мақсадида тумандаги ташкилотлар иштирокида 6000 дона китоб билан таъминлаш учун "совға акцияси" ўтказилмоқда. Азиз китобхонлар, ахборот-кутубхона марказига ташриф буюриб, ўзингизни қизиқтираётган маълумотлар ҳамда турли мазмундаги адабиётлардан фойдаланишларингиз мумкин.

З. ХАКИМОВА,
Ахборот-кутубхона маркази услубчиси

Ис газидан эҳтиёт бўлинг!

Ис гази (СО) рангсиз, ҳидсиз заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3%, ишланган газда 13%, портловчи газлар таркибида эса 50-60% гача ис гази бўлади.

Ис газидан шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддаларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда, автоуловлар турар паркларда, янги бўлган ва шамоллатилмаган хоналарда, шунингдек, уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ва печка билан иситиладиган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш палаталарида ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиш мумкин.

Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 мартоба кучли бирикма карбоксигемоглобин ҳосил қилади.

Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса – аноксияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти қуйидаги сабабларга кўра юзага келмоқда:

-фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик;

-ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш;

-иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш;

-газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари ҳамда суюлтирилган углеводород газ баллонларини (анжомлари)ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш;

-ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланиш;

-ҳавони алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра иситиш учун фойдаланилаётган ёқилғи (газ, кўмир, ўтин ва бошқа)ни чала ёниши натижасида ис гази ҳосил бўлади.

Кумкўрғон тумани ФВБ ис гази вужудга келиши сабабларига йўл қўймаслик ва ундан заҳарланмаслик чораларини кўришга чақиради.

Жумладан, газ плитасидан бинони иситиш ва унинг устида кийимларни қуритиш, шунингдек, плитани назоратсиз ёқилган ҳолатда қолишига йўл қўймаслик.

Бундан ташқари, газ сизиб чиқаётганини очиқ олов, масалан гугурт чақиб текшириб кўриш мумкин эмас.

Газ баллонларини иссиқлик манбаига яқин жойда қолдирмаслик лозим.

Агарда бинода газ ҳиди сезилса, ойна ва эшикларни зудлик билан очиш, кўчага чиқиш ва 104 рақами орқали газ хўжалиги авария-диспетчерлик хизмати ёки 1050 рақами бўйича қутқарув хизматига қўнғироқ қилиш керак. Бундай ҳолатларда чироқ, олов ёқиш, электр ускуналарни ишга тушириш тақиқланади.

Болаларни газ ускуналаридан фойдаланилувчи жойларда назоратсиз қолдириш мумкин эмас.

С. Тошматов,
туман ФВБ профилактика ва назорат бўлинмаси профилактика ва назорат бўйича инспектор, катта лейтенант

САЙЛОВЛАР октябрь ойида ўтказилади

Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамияти

Президентликка ва депутатликка сайловлар ваколат муддати тугайдиган йилда – октябрнинг учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. (Илгари декабрда эди).

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди.

Чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузуридаги сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхати муассаса бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатлардаги фуқароларни рўйхат билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.

Чет элдаги фуқаролар ўзларини рўйхатга киритиш тўғрисида сайловдан 15 кун олдин ёзма дипломатик ва бошқа ваколатхоналар ҳузуридаги участка сайлов комиссияларига ёки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузуридаги участка сайлов комиссиялари:

фуқароларнинг мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларни текширади ва рўйхатга киритиш ҳақидаги масалани ҳал қилади;

рўйхатга киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарда овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади.

Ташқи ишлар вазирлиги рўйхатдаги фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этади.

Асос: ЎРҚ–670-сон Қонун, 08.02.2021 йил.

С. Менгликулов,
туман Адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ОДАМ САВДОСИ – ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

XXI асрнинг жиддий муаммоларидан бири одам савдоси бўлиб қолмоқда. Бу иллатга қарши кураш минтақавий ва халқаро муносабатларга киришни ва бардам беришни талаб қилаяпти. Ҳозир бу турдаги жиноятчиликларга қарши курашда халқаро ташкилотлар зарур ҳужжатларни имзолаб, амалга оширишга тавсия қилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бир неча халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатларни ишлаб чиқди. Шу ҳужжатлар асосида дунё миқёсида керакли чора-тадбирлар кўрилаяпти. "Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида"ги Конфенция (1949), "Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида"ги қўшимча Конвенция (1956), "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида"ги Конвенцияни тўлдирувчи "Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги Баённома (2000) одам савдосининг турли кўринишларига қарши курашишда дастурий ҳужжатлар вазифасини ўтамоқда.

БМТнинг маълумотига кўра, ҳар йили дунё миқёсида тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси иллатининг қурбонига айланмоқда. Шу бўлимнинг оқибатида жабрланаётганларнинг 80 фоизи не аёллар ва болалар ташкил этаяпти. Дунё миқёсида ҳар йили 600-800 минг нафар аёллар ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб борилиб, сотиб юборилмоқда. Халқаро экспертларнинг маълум қилишича, бу жиноятчиликдан қора қилмиши туфайли даромад топаётган кимсалар турaди.

Бундай иллатларнинг домига тушмаслик учун фаросатли бўлиш, огоҳлик қилиб ўзгаларнинг тузоғига тушмаслик керак. Ўзга юртда мўмай пул топаман, деб ўз Ватанидан айрилиб, ўзгалар қўлида қийналиб қолмасдан мамлакатимизда ишлагани маъқул. Ўз уйинг ўлан тўшагинг дейишганидек, қадрдон юртимизда аҳолининг фаровонлигини оширишга ғамхўрликдан баҳраманд бўлиш керак.

У. Абдимуродов,
Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси профилактика инспектори, катта лейтенант

КАСАБА УЮШМАСИДА ҲИСОБОТЛАР ТИНГЛАНДИ

Кумкўрғон туманида Сурхондарё вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси ҳамда Сурхондарё вилояти Магистрал тизими бошқармаси ва Касаба уюшмалари қўмиталари ўртасида 2019-2021 йилларга қабул қилинган жамоа шартномасининг 2020 йил якунига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кумкўрғон туман кенгаши раиси йиғилишни олиб борди. Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчи Холиёр Одинаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Зариф Холов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Термиз шаҳар кенгаши раиси Шаҳобиддин Бозоров, Сурхондарё вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Илҳом Холбоев, Сурхондарё вилояти магистрал тизими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Чори Холтўраев ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Кумкўрғон туман кенгаши раиси йиғилиш ҳайъатига аъзолик қилишди.

Кун тартибида қўйилган масалалар бўйича Сурхондарё вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Илҳом Холбоев, бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Чори Абдураҳмонов, тафтиш комиссияси аъзоси Эшонқул Аминов ва Сурхондарё вилояти магистрал тизими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Чори Холтўраевлар, бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Рустам Ўринов, тафтиш комиссияси аъзоси Нарзиқул Қаршиевларнинг жамоа шартномаларининг барча бандлари бўйича 2020 йил якунига бағишланган ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Зариф Холов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси ва "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрири бўйича тарғиботи ўтказилди. Йиғилишда сўз олганлар меҳнат муносабатлари ва хавфсиз меҳнат шароитлари кафолатлари каби масалаларга тўхталиб ўтишди. Жамоа шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, айниқса, ёшлар ва аёллар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар бўлими қайта кўриб чиқилди.

Тадбир қизғин муҳокамаларга бой бўлиб, иштирокчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига батафсил маълумотлар олишди.

Қувондиқ Ибраимов,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Кумкўрғон туман кенгаши раиси

Чориев Бекбўтага тегишли 75 Е 556 GA давлат рақамли нексия донс автомашинасининг техник паспорти йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

Саидахмедов Дилмурод номига берилган АС № 682436 серия рақамли тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

Тумандаги «QIZIL LOLALAR» нодавлат таълим муассасасига тегишли думалоқ муҳр ва штамп йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

Абрайкулов Тўра номидаги МТЗ-80 тракторига тегишли СН № 5816 серия рақамли техник паспорти йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

27-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан Хидиров Икром Исроил ўғли номига берилган № 2722184 серия рақамли шаҳодатнома ҳамда Кумкўрғон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи томонидан берилган К № 1750833 серия рақамли диплом йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

«GROSS INSURANCE» МЧЖ томонидан берилган GB № 0034633, GB № 0034640 серия рақамли суғурта полиси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

ТАЛАБАЛАР АМАЛИЁТ ЎТАМОҚДА

Термиз Давлат Университетининг икки нафар талабаси газетамиз таҳририятига малакавий амалиётга келди. Журналистларнинг фаолияти билан яқиндан танишиб, мустақил равишда ижодий матнлар ёзиш жараёнларида қатнашди. Қуйида улар ёзган хабар ва мақолани газетамизда нашр этаяпмиз.

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Республикамиз бўйлаб ҳар бир маҳаллада сезиларли даражада ўзгаришлар бўлмоқда. Мана шундай ривожланаётган маҳаллалар қаторида менинг маҳалламда ҳам салмоқли ишлар амалга ошмоқда, десам муболаға бўлмайди. Тумандаги "Халқобод" маҳалласидаги ижодий силжишлар охирги 6 ой давомида ҳар йилгидан-да кўпроқ бўлди. Шулар жумласидан, беморлар ҳолидан доимий хабар олиш учун қишлоқ врачлик пунктида тиббиёт ходимлари сони кўпайтирилиб, улар ўз вақтида маҳалла аҳлига холис хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ишсиз аёллар учун гилам тўқиш ҳунармандлик мактаби очилди. Ҳозирги кунда 20 нафар хотин-қизларимиз ҳунар ўрганиш билан биргаликда ишламоқдалар. Шунингдек, маҳалладаги ёш оилалар ва кам таъминланган оилалар учун "Темир дафтар" жорий этилиб, булар учун маҳалла томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Маҳалла аҳли фойдаланиши, саломатлигини мустаҳкамлаш учун "Тинчлик" кўчасида стадион барпо қилинди. Стадионда баскетбол, футбол ва волейбол майдонлари ва бошқа спорт жиҳозлари мавжуд.

Муяссар ХАИТМУРОДОВА,
ТерДУ Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) сиртқи бўлим III курс талабаси

ТАРБИЯ ЖАМИЯТ УСТУНИ

Тарбия ҳақида сўз бўлар экан, аввало, маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир", деб айтган теран фикрлари бизнинг онгимизга сингиб, тарбия масаласи нақадар долзарб масала эканлигини чуқур англашимизни, янада масъулиятли бўлишимиз кераклигини эслатиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 23 августда халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакасини ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Тарбия" фанини яратиш ва ўқитиш масаласи илгари сурилди. Шу асносида умумтаълим мактабларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича руҳда ташкил этди. "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий ғоя" ва "Динлар тарихи" каби фанларни жорий этиш нақадар ҳаётий зарурият эканлигини қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлда "Умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ҳозирда "Тарбия" фанини ўқитиш бўйича қатор ишлар олиб борилаяпти.

Тарбия жамиятнинг бўғини ва устунидир. Тарбия–шахснинг етук инсон бўлишини таъминлайдиган абадий қадриятдир. Азалдан ҳар бир жамият ўзида маънавиятли, маърифатли, соғлом фикрли авлодни тарбиялашни хоҳлаб, бу йўлда кенг кўламли ишлар олиб борган. Тарбияли инсон доимо эзгу ишларни бажаришни ўйлайди. Жамиятда ўз-ўзига эга бўлиб, юртнинг ривожланишида хиссаларини қўшадилар. Маънавий қашшоқ, тарбиясиз йўқ инсондан ҳеч қандай эзгулик кутиб бўлмайди. Чунки унга яхшилик ва эзгулик ёт бўлиб, атрофидаги инсонлар тақдирига бефарқ, ўзгалар дардини хис қилмайдиган кимсалардир.

Шундай экан ватанимизнинг ривожланишига, буюк мақсадларга эришишда ҳар томонлама камол топган, ўзида эзгу амал, эзгу фикрли олийжаноб фазилатларни мужассамлаштирган авлодларни тарбиялаш бугунги кун учун кечиктириб бўлмас энг устувор, долзарб масаладир.

Зулайҳо МЕНГЛИБАЕВА,
ТерДУ Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) сиртқи бўлим III курс талабаси

Тумандаги 11-сонли АФЧЎИМИ га Термиз давлат университети Тарих, Жисмоний маданият, Санъатшунослик, Ўзбек филологияси, Мактабгача таълим факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосарлари Х. Бўронов, Ш. Худойбердиев, З. Зоиров, Х. Аҳмедов, М. Холиёров ва иқтидорли талабалар ташриф буюришди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН КЕЛАЖАК САРИ

Мактаб-интернат жамоаси билан бўлган учрашув қизиқарли, савол-жавобларга бой бўлди. Учрашув давомида мактаб-интернат фаолиятини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратини янада ошириш, ўқувчиларнинг илм-фан ва касбҳунарга бўлган қизиқишларини кучайтириш, уларнинг маънавий-маърифий билимлари ва дунёқарашини янада ошириш ҳамда университет ва мактаб-интернат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Учрашув якунида университет профессор-ўқитувчилар томонидан мактаб-интернат маъмурияти ва иқтидорли ўқувчиларига бадиий китоблар ва эсталик совғалар тухфа этилди.

Д. ҚЎЗИЕВА,
тумандаги 11-сонли Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори

ЯНГИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ

11-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг залида туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2018-2020 йилларга имзоланган жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши юзасидан йиғилиш ўтказилди. Тадбирда меҳнат жамоаси қатнашди. Ишчи гуруҳи сайланди. Шунга асосан вилоят касаба уюшмаси масъул ташкилотчиси М. Қодирова конференцияга раислик қилди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича биринчи ўринбосари Г. Қурбонова кун тартибидаги жамоа шартномасига киритилган бандларнинг маъмурият томонидан бажарилиши бўйича маъруза қилди. Мен касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган касаба уюшмалари аъзоларининг 2020 йилдаги меҳнати, соғлиғи, манфаатини муҳофаза этишда амалга оширилган ишлари ҳақида маъруза қилдим. Жамоа шартномасидаги бандларнинг 80 фоизи бажарилганлиги, зарарли шароитларда ишлаётган ходимларни сут ва сут маҳсулотлари, гигиеник воситалар билан таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш борасидаги камчиликларга тўхталди. 2021-2023 йиллардаги жамоа шартномасига киритилган янгиликларни тушунтирди. Ўтган вақтдаги фаолият қониқарли деб топилди.

Иккинчи масалада маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2021-2023 йилларга имзоланган жамоа шартномаси тузишга қарор қилинди. Учинчи масалада 2021-2023 йилларда фаолият юритадиган комиссия сайланди. Барча масалада қарорлар қабул қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш касаба уюшмаси қўмитаси бўлим бошлиғи Д. Тошматова иштирок этди. Юқори мартабали вакил маъруза бўйича ва тиббиёт ходимлари томонидан билдирилган ижтимоий масалалар, шифокорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, обуна, кутубхона фаолияти, спорт ҳақида таклифларга фикр-мулоҳазаларини билдирди. Йиғилиш давомида саволларга жавоблар айтилди.

Д. Шаммуқулова,
туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Ҳаё либоси билан безанайлик

Ойша онамиз (р.а.) айтадилар: Хулқларнинг энг мукаррами 10 тадир:
Улар: 1.Сўзнинг ростгўй бўлишлиги; 2.Тилнинг ростгўй бўлишлиги; 3.Омонатдор бўлишлик; 4. Силаи раҳм; (қариндошлик алоқаларини узмаслик) 5. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтаришлик; 6. Эҳсон қилиб, саховатли бўлишлик; 7. Қўшнига яхшилик қилишлик; 8. Дўсту биродарларига яхшилик қилишлик; 9. Меҳмонни улуғлашлик. 10. Юқорида зикр қилинган сифатларнинг энг аввали эса – бу ҳаёдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: "Ҳаё - иймоннинг шохидир". "Аввалги ўтган барча пайғамбарларнинг сўзларидан: "Агар уялмасанг, нимани хоҳласанг шуни қилавер". Али (р.а.) айтадилар: "Кимки ҳаё кийимига бурканса, унинг айбу нуқсонларини инсонлар кўрмайдилар ҳаё билан бурканган юз қутида беркинган гавҳарга ўхшайди. Аллоҳ таоло берган неъматларига қаноат қилишлик омонатдорликка далилдир, омонатдорлик эса шукр этишликка далилдир, шукр этишлик эса зиёдаликка, зиёдалик эса неъматларни боқий қолишига, улардан энг улуғ сифат эса бу ҳаёдир. Ҳаё - ҳамма яхшиликларга далолатдир. Инсонда исломдаги мақталинган сифатлардан ҳаё сифати бўлса, гарчи инсон Аллоҳ таолони кўрмаса ҳам, у мени кўриб турибдику деб ҳамма номақбул ишлардан қайтади, уялади. Ёмон ишлардан қайтишлик эса инсонни икки дунё бахт-саодатига эришиш учун восила бўлади. Ҳайсиз инсон эса Аллоҳ таолодан ҳам, инсонлардан ҳам уялмагани сабаб нимани хоҳласа қилаверадиган кишига айланади. Бундай кишилар эса динда ҳам, дунёда ҳам мазаммат қилинади.

Саҳиҳ Муслимда Саид ибн Ос (р.а.)дан ривоят қилинади: Ойша (р.а.) онамиз айтадилар: Бир куни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимда (тиззалари очиқ ҳолатда) ётган эдилар. Шунда отам Абу Бакр (р.а). киришга изн сўрадилар. У жаноб ўша ётган холатларида у кишининг киришига рухсат бердилар. Хожатларини адо этиб чиқиб кетдилар. Сўнгра шундай холатларида ҳазрат Умар (р.а.) киришга изн сўради. Ётган ўринларида у кишига ҳам киришга рухсат бердилар. У киши ҳам ўз хожатларини сўраб, чиқиб кетдилар. Шундан сўнг ҳазрат Усмон (р.а.) киришга рухсат сўрадилар. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан туриб, кийимларини тўғрилаб у кишининг киришларига рухсат бердилар. У киши ўз ишларини айтиб чиқиб кетдилар. Ойша онамиз (р.а.) айтадилар: "Бу ҳолатдан ажабланиб Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим: Эй Аллоҳнинг расули! Отам Абу Бакр кирди, ўрнингиздан турмадингиз, унинг хожатини адо этдингиз, ҳазрат Умар (р.а.) кирди у кишига ҳам шундай ҳолатингизда жавоб бердингиз. Ҳазрат Усмон (р.а.) кирганида эса кийимларингизни тўғрилаб, ўрнингиздан туриб ўтирдингиз", деб сўрадим. Шунда У зот жавоб бердилар: "Фаришталар ҳаё қиладиган инсондан мен ҳаё қилмайинми?.

Мана ҳаё шундай улуғ сифат экан, у нарсага эга бўлган кишига фаришталар ҳам ҳаё қилишган экан. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Албатта Аллоҳ таоло сизларнинг Роббингиздур, у Тирик зотдир, каримдур, у ўз бандасини икки қўлини кўтариб дуо қилганида унинг икки қўлини бўш қайтаришдан ҳаё қилади" деб, марҳамат қилганлар.

Ҳаё шундай улуғ сифатлардан экан, Аллоҳ таоло барчаларимизни шарму ҳаё ниқоби билан безанишликка, ҳар бир бир қилаётган ишни, ёмон ишларимизни Аллоҳ таоло кўриб турибди-ку деган ҳаё билан зийнатланишга муяссар қилсин. Аллоҳ таоло билан бандалари ўртасига ҳаё пардаси ҳеч қачон зое бўлмасин.

Зокиржон Омонов,
туман «Мухторхон ҳожи» жоме масжиди имом хатиби

25-февраль куни "Спортни сев – спорт билан яша" шиори остида ўтказилган туманлараро мусобақа саломатликни мустаҳкамлаш ва совринли натижаси билан эсда қолди. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширувчи бу мусобақада КТМП ҳамширалари 2-ўринни эгаллаб голибликдан миннатдор бўлишди.

ОНА

Онам менинг гул-у, райҳоним,
Ишонган тоғим, гуллаган боғим.
Доимо ҳаётда юрсалар кулиб,
Бу дунёда ҳеч ҳам қолмас армоним.

Юзлари қуёшдек нур балқиб турар,
Кулса дунёларни тўлдириб кулар,
Юрса қадамидан гуллар очилар,
Онажоним гул-у, райҳоним.

Мунис-у, мўътабар Мадинам менинг,
Жонкуяр, меҳрибон, азиз инсоним.
Ҳеч қачон намланмай кўзлари кулса,
Улар билан яйраб ўсади жоним.

Моҳисетора САИДАҲМЕДОВА,
Янгиер маҳалласи

ҲАЁТ ГЎЗАЛЛИГИ

Бепоён чаманзор, турфа хил гуллар,
Майин куйламоқда митти булбулжон.
Мусаффо самодан йўғрилган нурлар,
Сержило товланар гўёки маржон.

Шу онда қандайдир келди-ю шамол,
Нафис гўзалликка солмоқ бўлди чанг.
Табиат шунчалар оди безавол,
Гўзалликка қарши чиқмишлар қаранг.

Шамол ҳамласига кўксимни тутдим,
Енгилмай курашдим гўзаллик учун.
Эҳ, тўфонлар инра қолиб кетсамда,
Айасиз курашда бўлолдим устун.



Жангчидай курашдим қўлда шамчироқ,
Олисда кўринар нурли ёғдулар.
Ушал ёғдуларга етарман албат,
Буткул унутилар шунда қайғулар.

Умримиз маъноли кураш ҳам туғар,
Ортимизда қолур фақат гўзаллик.
Ўша олис боғда булбуллар куйлар,
Ҳаёт гўзаллиги ахир шунчалик.

Ноила Хўжамқулова,
25-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси

МУАССИС:
Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Бош муҳаррир: *Райҳон МЕНГЗИЯЕВА*

Масъул котиб: Н. Муҳаммадиев

Веб сайтимиз: qumqurgon.uz
Телефон 46-52-398
E-mail: qsadosi@umail.uz

Газета "Қумқўрғон садоси" таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Т. Назаров.
Фотомухбир: Н. Абдуғаффоров.

Газета "NOSHIR LUX" МЧЖ босмахонаси буюртмаси асосида А-2 ҳажмда 2500 нусхада чоп этилди.
Буюртма № ____
Босмахона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят худудий бошқармаси томонидан 2012 йил 2 февралда № 11-042 рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: Қумқўрғон шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3-уй.

Босишга топшириш вақти 10.00
Топширилди 10.00
Бизнинг нашр кўрсаткичимиз 64831
Сотувда эркин нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.